

УДК: 616.619.5:636.054

ORCID: 0009-0000-7207-4197

ТОВУҚЛАРНИНГ АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

*Акромов Комилжон Шухрат ўғли, таянч докторант
Джаббаров Шухрат Абдумажидович, в.ф.д., профессор*

Орипов Анвар Орипович, в.ф.д., профессор

Ветеринария илмий-тадқиқот институти, Самарқанд, Тайлоқ,

(E-mail: komiljonshuhratovich@mail.ru)

Аннотация: Ушбу мақолада Республикамизнинг Марказий географик иқлим – минтақаси вилоятларининг айрим туманлариги аҳоли хонадонлари ва паррандачилик хўжаликларида гельминтозларнинг тарқалиши ҳамда уларни даволаш тадбирлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Аннотация: В данной статье представлены сведения о распространении гельминтозов в подсобных хозяйствах и птицефабриках в некоторых районах районов Центрально-географического климатического района нашей Республики, а также сведения об их лечении.

Summary: This article presents information about the spread of helminthiasis in households and poultry farms in some districts of the regions of the Central geographical climate region of our Republic, as well as information on their treatment.

Калит сўзлар: аскаридиоз, гетеракидоз, простогонимоз, капилляриоз, кетма-кет ювиш, Фюллеборн, гельминтоовоскопия, гельминтолорвоскопия, седиментация, флотация.

Мавзунинг долзарблиги. Мамалакатимизнинг ўзига хос географик-иқлим хусусиятлари яъни баҳор ва куз ойларининг илиқ ва намгарчиликнинг етарли бўлиши, қиш ойларининг эса ўта совуқ бўлмаслиги, қиш фаслида тез-тез айниқса сўнги беш йил давомида илиқ кунларнинг кўп кузатилиши кўпгина гельминтозларнинг кенг тарқалишига кулай шароит яратмоқда.

Республикамизда чорва ҳайвонлари ва паррандалари орасида кенг тарқалган ва турли даражада иқтисодий зарар етказадиган гельминтозлар бирмунча кенг тарқалганлигини инобатга оладиган бўлсак, уларга қарши иқтисодий самарали бўлган даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда кенг кўламда қўллаш ветеринария мутахассислари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Бутун дунёда паррандаларнинг 30 дан ортиқ гельминтозлари фанга маълум бўлиб, улардан мамлакатимизда кенг тарқалган ва паррандачилик соҳасига сезиларли даражада иқтисодий зарар келтирадиган турларини мамлакатимиз иқлим минтақалари бўйича тарқалишини аниқлаш ҳам долзарб бўлиб, ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Тадқиқотнинг мақсади. Республикаимизнинг марказий географик-иқлим минтақаси вилоятлари бўлган Жиззах, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари паррандачилик хўжаликлари ҳамда аҳоли хонадонларида боқилаётган товуклар орасида кенг тарқалган гельминтозларни аниқлаш, даволаш ҳамда олдини олишдан иборат.

Тадқиқот объекти ва усуллари. Биз ўз тадқиқотларимизни Жиззах вилоятининг Пахтакор, Шароф Рашидов ҳамда Фориш туманларида, Сирдарё вилоятининг Мирзаобод, Гулистон, Боёвут, Ҳовос шунингдек Сардоба туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой, Пастдарғом ва Тайлоқ туманларида аҳоли хонадонлари шунингдек паррандачилик хўжаликларида боқилаётган тухум йўналишидаги товукларда олиб борилди. Товуклардан олинган фекалий намуналари гельминтоовоскопик (Фюллеборн, кетма-кет ювиш) усулларида текширилди. Гельминтозларни даволаш, олдини олиш учун препаратлар озуқа ва сув орқали қўлланилди.

Тадқиқотлар натижалари. Мамлакатимизнинг марказий иқлим минтақаси вилоятларида товуклар орасида асосий гельминтозларни тарқалишини аниқлаш бўйича 2023 йилнинг май-июль ойларида Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 591 бош товуклардан олинган фекалий намуналари гельминтоовоскопиянинг флотация ва седиментация усулларида текширилди. Вилоятлардаги эпизоотологик ҳолатлар бўйича маълумотлар куйидаги жадвал ва диаграммаларда акс эттирилган.

Жиззах вилоятида жами текширилган 167 бош товукларнинг 70 боши яъни 41,9 % умуман гельминтозлар билан зарарланган бўлиб, шундан вилоятнинг Пахтакор туманида жами 77 бош товукларнинг 34 боши (44,2 %) гельминтозлар билан умумий зарарланган, 3 бош (3,89 %) товуклар аскаридиоз билан, 11,7 фоизи гетеракидоз билан ва 33 боши (42,9 %) эса капиллариоз билан экстенсзарарланганлиги аниқланди. Шароф Рашидов туманида олиб борилган тадқиқотларда умумий 38 бош товуклар юқоридаги усуллар билан текширилди. Шунга кўра 5 бош (13,2 %) товуклар умуман гельминтлар билан зарарланган бўлиб, улардан 3 бош (7,89 %) аскаридиоз, 1 бош (2,63 %) гетеракидоз ва 3 бош (7,89 %) капиллариоз қўзғатувчилари билан зарарланганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз давомида Фориш туманидан олинган намуналарда

гельминтрлар тухумлари текширилган юқоридаги икки туманга нисбатан кўпроқ топилди. Аниқландики Фориш туманида текширилган 52 бош товуқларнинг 40,4 фоизда аскаридиоз, 32,7 фоизда гетеракидоз ва 27 бошида яъни 51,9 фоизда капиллариоз қўзғатувчилари тухумлари топилди, ушбу туманда гельминтозлар билан умумий зарарланиш 59,6 фоизни ташкил қилганлиги бизнинг тадқиқотларимиз давомида маълум бўлди. (1-жадвал)

1 жадвал


**Жиззах вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан
экстензарарланганлиги, гельминтокопрологик
текширишлар асосида**

T/ P	Худудлар номи	Умумий бош сони	n=167									
			простогонимоз		аскаридиоз		гетеракидоз		капиллариоз		гельминтозлар билан умумий зарарланиш	
			n=	%	n=	%	n=	%	n=	%	n=	%
1	Пахтакор тумани	77	-	-	3	3,89	9	11,7	33	42,9	34	44,2
2	Шароф Рашидов тумани	38	-	-	3	7,89	1	2,63	3	7,89	5	13,2
3	Фориш тумани	52	-	-	21	40,4	17	32,7	27	51,9	31	59,6
ЖАМИ		167	-	-	27	16,2	27	16,2	63	37,7	70	41,9

Юқоридаги тадқиқотларимиз натижаларига кўра вилоятда товуқларнинг простогонимоз билан зарарланиш аниқланмади.

1 диаграмма

**Сирдарё вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан
экстензарарланганлиги, гельминтокопрологик
текширишлар асосида**



Сирдарё вилоятининг тадқиқотларимиз олиб борилган туманларида жами 259 бош товуқлардан фекалий намуналари олиниб гельминтоовоскопик текширувлар олиб борилди ва Сирдарё вилоятида товуқлар орасида асосан қайси тур гельминтлар кенг тарқалганлиги аниқланди. (1-диаграмма)

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра текширилган 259 бош товуқларнинг 131 боши (50,58 %) гельминтозлар билан экстенс зарарланганлиги аниқланди. Аниқландики намуналар олинган товуқлардан 11 боши (20,0 %) раетиноз, 74 боши (28,57 %) аскаридиоз, 79 боши (30,5 %) гетеракидоз, 79 боши (30,5 %) капиллариоз қўзғатувчилари билан зарарланганлиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз натижасида маълум бўлдики Сирдарё вилоятида ҳам простогонимоз билан зарарланиш кузатилмади.

Сирдарё вилоятининг юқоридаги айрим туманлари бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра аҳоли хонадонларида ва паррандачилик хўжаликларида боқилаётган тухум йўналишидаги товуқларда гельминтозлар билан экстенсзарарланиш бир мунча юқори эканлиги аниқланди.

2 жадвал

**Самарқанд вилоятида товуқларнинг гельминтозлар билан
экстенсзарарланганлиги, гельминтокопрологик
текширишлар асосида**

Т/р	Гельминтозлар	Умумий бош сони n=164	
		бош сони	%
1	Простогонимоз	2	1,23
2	Аскаридиоз	92	56,09
3	Гетеракидоз	80	48,78
4	Капиллариоз	85	51,83
5	Гельминтозлар билан умумий зарарланиш	102	62,19

Самарқанд вилоятининг Булунғур туманида 42 бош, Жомбой туманида 44 бош, Пастдарғом туманида 48 бош ва Тайлоқ тумани ВИТИ Гельминтология лабораторияси вивариясидаги 30 бош жами ҳисобда 164 бош товуқларнинг гельминтозлар билан зарарланганлиги аниқланди. Шунга кўра текширилган 164 бош товуқларнинг 102 боши яъни 62,19 % гельминтозлар билан умумий зарарланганлиги маълум бўлди. Умумий зарарланган 102 бош товуқларнинг 2 боши (1,23 %) простогонимоз, 92 боши (56,09 %) аскаридиоз, 80 боши (48,78 %) гетеракидоз ва 85 боши (51,83 %) капиллариоз билан экстенсзарарланганлиги аниқланди.

Даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари. Тадқиқотлар олиб

борилган худудларда аниқланган гельминтозларни даволаш учун “Левомизол+оксиклозанид”, “Albendazole Bolus 600 mg” дори воситаларининг болюс шаклидан фойдаланилди. Ушбу препаратларнинг битта болюси 30 килограмм тирик оғирлиги ҳисобида берилади. Биз тадқиқотларимизда болюсларни механик усулда майдалаб озуқага араштириб қўлладик. Бунда бир бош товукнинг ўртача оғирлиги 2 килограмм, кунлик озуқа истемоли эса ўртача 150 грамм ҳисобида олинди. Дори воситалари 5 кун оралиқ билан икки марта қўлланилди. Даволаш самарадорлиги эса 95 фоиздан юқори бўлди.

3 жадвал

Товуқларнинг асосий гельминтозларини даволаш натижалари, (Самарқанд вилояти хўжаликлари мисолида)

	Худудлар	Қўлланилган дори воситалар	Дори воситаларини қўллашдан олдин		Дори воситалари қўлланилгандан сўнг		
			бош сони	Гельминтозлар билан уман зарарланиш	бош сони	Гельминтозлар билан уман зарарланиш	Гельминтозлар билан уман зарарланиш
1	Пастдарғом тумани Равот МФЙ	Левомизол+ оксиклозанид	13	69,2 %	13	15,4 %	-
2	Пастдарғом тумани Юқори боғанали МФЙ	Albendazole Bolus 600 mg	11	63,6 %	11	18,2 %	9,09 %

Пастдарғом тумани Равот МФЙ да аҳоли хонадонидagi 13 бош товукларда аниқланган гельминтозларни даволаш учун қўлланилган “Левомизол+ оксиклозанид” биринчи марта қўлланилганда 84,61 %, иккинчи марта қўлланилганда эса тўлиқ (100 %) товукларни гельминтозлардан озод этди. “Albendazole Bolus 600 mg” қўлланилган Пастдарғом тумани Юқори боғанали МФЙ си аҳоли хонадонидagi 11 бош товукларга биринчи марта қўлланилганда 81,8 фоиз, 5 кундан сўнг қайта қўлланилганда эса 90,9 % самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

Хулоса. Республикамизнинг марказий ҳудуди вилоятларида аҳоли хонадонларида, шахсий-ёрдамчи хўжаликлар ва паррандачилик хўжаликларида гельминтозлар товуқларнинг маҳсулдорлигига сезиларли даражада иқтисодий зарар келтирмоқда. Тадқиқотларимиз давомида жами 591 бош товуқлар гельминтоовоскопик текширилган бўлиб улардан 303 боши (51,27 %) гельминтозлар билан умумий зарарланган эканлиги маълум бўлди. Тадқиқотлар давомида аниқланган гельминтозларни олдини олиш ва даволаш учун “Левомизол+оксиклозанид” ва “Albendazole Bolus 600 mg” дори воситалари қўллаб кўрилганда биринчи препаратнинг самарадорлиги 100 фоиз эканлиги маълум бўлди. Умумий ҳисобда ҳар иккала дори воситасининг самарадорли 95 % дан юқори эканлиги тадқиқотларимиз давомида аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

7. Акбаев М.Ш. Методы диагностики гельминтозов птиц //Сб. научн. трудов. изд-во МГАВМ и Б. — Москва. — 1999. — С.36- 41.
8. Артамонова С.В. О паразитировании аскаридий, капиллярий и кокцидий в кишечнике цыплят // Ветеринария — 1969. — № 8 — С. 48-49.
9. Гайнуллина И.Р. Гангулетеракидоз гусей в Республике Башкортостан / И.Р.Гайнуллина //: Автореф.: дис. канд. вет. наук. Уфа, 1999.- 24 с.
10. Джаббаров Ш.А. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. //Док. диссертацияси. 2017. – Б. 98-122.
11. Забашта А.П. Усовершенствование лечебно-профилактических мероприятий при смешанных паразитозах кур в условиях Кубани. Автореф.: дис. канд. вет. наук. Ставрополь, 2002. —25 с.
12. Кибакин В. Основные гельминтозы кур и меры борьбы с ними в условиях Алтайского края и Восточной Сибири. //Автореф. Д.в.н. Тюмень, 2005.
13. Ксавьера Ф.Ч. Паразитозы кур и разработка лечебно-профилактических мероприятий в условиях крестьянскофермерских хозяйств Краснодарского края. //Дисс. к.в.н. Краснодар, 2021.
14. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. // Ўқув қўлланма.Тошкент, 2016. 198-201 б.
15. Орипов А.О. Гельминтозларга қарши курашишнинг замонавий стратегияси, услуб ва воситалари. // Ветеринария медицинаси журнали. №11. Тошкент, 2021. 17-19 б.
16. Орипов А.О., Джаббаров Ш.А., Юлдашов Н.Э. Современные методы и средства профилактики гельминтозов. Тенденция развития ветеринарной паразитологии на прост. СНГ. 28-30 апреля 2021 г., г. Самарканд. Мат-лы в Интернете.



17. Oripov A.O., Yuldashev N.E. Modern strategi, new methods and means for control of helminthas in Uzbekistan. Украинськ. часоплс ветеринарних наук, №3. том 12.

18. Oripov A.O., Jabbarov Sh.A., Safarov X. Main helmintiasis of farm animals and their spreading rate. The American Journal of veterinary and Discovery (JSSN-2689-0968), volume 04.issu of Pages 1-8.